

## Музей бўйлаб мозийга саёҳат

Тарихни билмасдан келажак йўқ деб бежиз айтилмайди. Ёшларимизни юртимиздаги тарихий ёдгорликлар билан танишириш мақсадида «Ер ресурсларини бошқариш» факультети 4 курс 403 - гуруҳ талабалари билан гуруҳ раҳбари бошчилигига пойтахтимизда жойлашган «Бароқхон» мақбарасига ташриф буоришиди.

Ташриф чоғида талабалар у ерда жойлашган тарихий ёдгорликлар тўғрисида маълумотларга эга бўлишди. Ундан ташқари талабалар у ерда саёҳат қилиб юрган Австралия, Италия ва Германиядан ташриф буорган сайёҳлар билан учрашиб ўзлари таҳсил олаётган олийгоҳлари тўғрисида кенг маълумот беришди ва эсдалик учун расмга тушишди.



«Геодезия ва геоинформатика» кафедраси ўқитувчиси Ўткир Исломов ахбороти  
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов